

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

Жинойт ишлари бўйича Ургут туман суди, 2024 йил 17 май куни, очиқ суд мажлисида, ушбу суд биносида, раислик этувчи, судья Э.Қаршиев, судья ёрдамчиси М.Икромовнинг котиблигида, томонлардан Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримқулов, судланувчи Ж.Махмашукуров ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат А.Кулмурадов, судланувчи С.Равшанов ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат С.Бобаев, судланувчи Г.Сарварова, Ж.Намозов, А.Хурсандов ва Ш.Рахимов ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат С.Нуруллаев, фуқаровий даъвогар АС.Алиқуловларнинг иштирокида, 1-1416-2402/96-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

**Махмашукуров Жамолiddин Қиличович** (Makhmashukurov Jamoliddin), 1976 йил 22 июль куни Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Ургут тумани Жарқишлоқ МФЙда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлайди, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Қуйиқишлоқ МФЙ, 15-уйда истиқомат қилувчи, 2024 йил 20 март куни айблов ҳулосаси нусхасини олган, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

**Равшанов Саидмурод Адашович** (Ravshanov Saidmurod), 1961 йил 1 январь куни Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, олти нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, пенсионер, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Жарқишлоқ МФЙда рақамсиз уйда истиқомат қилувчи, 2024 йил 20 март куни айблов ҳулосаси нусхасини олган, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган

**Рахимов Шерхон Махматқул ўғли** (Rakhimov Sherkhon), 1995 йил 17 март куни Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Жарқишлоқ МФЙда рақамсиз уйда истиқомат қилувчи, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 20 март куни олган, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

**Намозов Жамшид Нуруллоевич** (Namozov Jamshid),

1982 йил 3 август куни Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Жарқишлоқ МФЙда рақамсиз уйда истиқомат қилувчи, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 20 март куни олган, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

**Хурсандов Алибек Мусурмон уғли** (Khursandov Alibek), 1992 йил 12 март куни Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Жарқишлоқ МФЙда рақамсиз уйда истиқомат қилувчи, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 20 март куни олган, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.



**Сарварова Гулзода Ҳамдамовна** (Sarvarova Gulzoda), 1979 йил 9 сентябрь куни Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Жарқишлоқ МФЙда рақамсиз уйда истиқомат қилувчи, 2024 йил 20 март куни айблов хулосаси нусхасини олган, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

## **А Н И Қ Л А Д И**

Судланувчи Ж.Махмашукуров 2022 йил февраль ойидан Ургут туман ҳокимининг “Жарқишлоқ” МФЙдаги тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.12.2021 йилдаги “Маҳалла тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31-сонли, 20.12.2021 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-55-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.04.2022 йилдаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 195-сонли қарорларига мувофиқ унга тумандаги “Жарқишлоқ” маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида, кредитлар ва субсидиялар ажратиш кўзда тутилган лойиҳаларнинг



самарадорлиги ва уларнинг мақсадга мувофиқи бўйича ўз тавсияларини бериш ҳамда мақсадли кредитлар ажратилишида аҳолига кўмаклашиш вазифалари юклатилган бўлсада, бироқ у ўзига юклатилган ваколатлардан ғаразли бошқа паст ниятларда фойдаланиб, аҳоли бандлигини таъминлаш учун бюджетдан ажратилган ресурс маблағларини талон-торож қилиш мақсадида жиноят ишининг унга нисбатан қисми ЖПК 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан тугатилган “Billura ollayor tomorqa xizmati” МЧЖ иш бошқарувчиси ва “Жарқишлоқ” МФЙда яшовчи судланувчи Ж.Намозовлар билан жинойий тил бириктириб, Ж.Намозов номига “Агробанк” АТБ Ургут филиали ўртасида 03.08.2023 йилда 33,0 млн. сўмлик кредит шартномаси расмийлаштиришга эришиб, сўнгра таъминотчи сифатида, “Billura Olloyor Tomorqa xizmati” МЧЖ ўртасида яшаш ҳовлисига артезиан қудуғи қазиб берилиши тўғрисида 07.08.2023 йилда шартнома тузилган бўлсада, аслида қазиб бермаган артезиан қудуғини қазиб берганлиги ҳақидаги сохта далолатномани расмийлаштиришиб, кредит ажратиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни банк муассасасига тақдим этиб, ажратилган 33,0 млн. сўмлик кредит маблағларини жамият ҳисоб рақамига кўчирилишига эришиб, ўзганинг 33,0 млн. сўмлик пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан қасддан талон-торож қилишган.

Судланувчи С.Равшанов қизи Равшанова Юлдуз Саидмурод қизи номига насли кўйлар хариди учун кредит ажратиш тўғрисида АТБ “Агробанк” Ургут филиали ўртасидаги 10.05.2023 йилги 829488-сонли “Давлат дастурлари асосида жисмоний шахслар учун тузиладиган кредит шартномаси”га асосан таъминотчи “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖдан жами 33 млн сўмлик 10 бош насли кўйларни 15.05.2023 йилда 1405963-сонли шартнома ҳамда шу кунги 000027-сонли электрон ҳисоб варақ-фактурага асосан қабул қилиб олиб, 10 бош насли кўйларни сотиб ўз эҳтиёжларига сарфлаб, кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, С.Равшанов жинойий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, набираси Адашов Достон Ҳодиқул ўғли номига насли кўйлар олиб чорвачилик фаолиятини ташкил қилиш учун имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида АТБ “Агробанк” Ургут филиали билан 14.06.2023 йилги 939688-сонли “Давлат дастурлари асосида жисмоний шахслар учун тузиладиган кредит шартномаси”га асосан таъминотчи “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖдан 10 бош насли кўйларни етказиб бериш тўғрисида 21.06.2023 йилда



1573132-сонли шартнома ҳамда шу кунги 0215454-сонли электрон ҳисоб варақ-фактурага асосан 10 бош насли қўйларни кредит маблағлари ҳисобидан харид қилиб, ушбу қўйларни сотиб, 33 млн. сўм кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи Ш.Рахимов турмуш ўртоғи Рахматуллаева Дилноза Амриддин қизи номига насли қўйлар олиб чорвачилик фаолиятини ташкил қилиш учун имтиёзли кредит олиш мақсадида АТБ "Агробанк" Ургут филиали билан Д.Рахматуллаева ўртасидаги 15.06.2023 йилги 941091-сонли "Давлат дастурлари асосида жисмоний шахслар учун тузиладиган кредит шартномаси"га асосан "NEW GRAZIN KATTLE" МЧЖдан 33 млн. сўмлик 10 бош насли қўйларни етказиб бериш тўғрисида 15.05.2023 йилда 1405963-сонли шартнома ҳамда шу кунги 000027-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура асосида 10 бош насли қўйларни сотиб олиб, сўнгра қўйларни сотиб юбориб, 33,0 млн. сўм кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи А.Хурсандов ўз номига насли қўйлар олиб чорвачилик фаолиятини ташкил қилиш учун имтиёзли кредит олиш мақсадида, АТБ "Агробанк" Ургут филиали билан тузилган 01.05.2023 йилги 804176-сонли "Давлат дастурлари асосида жисмоний шахслар учун тузиладиган кредит шартномаси"га асосан таъминотчи "NEW GRAZIN KATTLE" МЧЖдан жами 22 млн. 100 минг сўмлик 13 бош насли қўйларни етказиб бериш тўғрисидаги 04.05.2023 йилдаги 1358907-сонли шартнома ва шу кунги 00027-сонли электрон ҳисоб-варақ-фактура асосида 13 бош насли қўйларни қабул қилиб олиб, сўнгра қўйларни сотиб юбориб, 22 млн. 100 минг сўм кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи Г.Сарварова ўз номига насли қўйлар олиб чорвачилик фаолиятини ташкил қилиш учун имтиёзли кредит олиш мақсадида АТБ "Агробанк" Ургут филиали билан ўртасидаги 15.06.2023 йилги 941091-сонли "Давлат дастурлари асосида жисмоний шахслар учун тузиладиган кредит шартномаси"га асосан таъминотчи "NEW GRAZIN KATTLE" МЧЖдан жами 16 млн. 500 минг сўмлик 5 бош насли қўйларни 15.05.2023 йилда 1405963-сонли шартнома ҳамда шу кунги 000027-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура асосида қабул қилиб олиб, сўнгра ушбу қўйларни сотиб юбориб, 16 млн 500 минг сўм кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Махмашукуров қилмиш жиноий ҳаракатларига умуман



икрорлик билдирмасдан ҳақиқатдан ҳам 2022 йил февраль ойидан “Жарқишлоқ” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси вазифасида ишлаб келиши, унинг вазифаларига маҳалладаги тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида, кредитлар ва субсидиялар ажратиш кўзда тутилган лойиҳаларнинг самарадорлиги ва уларнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича ўз тавсияларини бериш ҳамда мақсадли кредитлар ажратилишида аҳолига кўмаклашиш кабилар киришини, “Жарқишлоқ” МФЙда яшовчи Номозов Жамшид Нуруллоевич унга артезиан қаздириш учун “Агробанк” Ургут филиалидан имтиёзли 33,0 млн. сўм кредит олишга ёрдам беришини сўраганлиги, унинг аризасини “Оила кредит” платформа орқали онлайн банкка жўнатганлиги, Ж.Номозовга “Давлат хизматлари маркази”дан электрон калит олиб, бирон-бир таъминотчи билан шартнома имзолаш кераклигини айтганлиги, у калит олиб келиб, ёрдам қилишни сўраганида, “Billura Olloyor tomarqa xizmati” МЧЖ иш бошқарувчиси Ш.Сатторовга кўнғироқ қилиб, “Жарқишлоқ” маҳалласида яшовчи фуқарони уйига артезиан ковлаб бериш учун шартнома қилиб беришни айтиб, телеграм орқали Ж.Номозовни электрон калитини юборганлиги, орадан маълум вақт ўтиб, Ж.Номозов ўзининг танишига артезиан қаздирганлиги, шу сабабли Ш.Сатторовдан кредит пулларини олиб беришни сўраганлиги, “Billura Olloyor tomarqa xizmati” МЧЖ иш бошқарувчиси Ш.Сатторовга бу ҳақда айтганида у бирга боришни айтганлиги сабабли, Ш.Сатторов билан Ж.Номозов уйига борганлиги, Ш.Сатторов нақдлаштирилган кредит пулини унга берганлиги ва у шу ернинг ўзида Ж.Номозовнинг кўлига тутқазганлиги, аммо ушбу пул маблағи қанча эканлигини билмаслиги, Ж.Номозов қаздирган артезиан олдида расмга тушиб, иш бажарилгани ҳақида далолатнома тузиб бергани, С.Равшанов Ургут тумани “Жарқишлоқ” МФЙда яшашлиги, унинг қизи Ю.Равшанова ва набираси Д.Адашовлар насли қўйлар олиб чорвачилик фаолиятини ташкил қилиш учун имтиёзли кредит олиш учун онлайн ариза беришганлиги, у уларнинг яшаш уйига борганида таъминотчи “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ вакили У.Тожибоев қўйларни уларга топширганлигини кўриб, уларни номига имтиёзли кредит чиқариш учун тавсиянома берганлиги, шунингдек “Жарқишлоқ” МФЙда яшовчи Д.Рахматуллаева 33,0 млн. сўм, А.Хурсандов 22 млн. 100 минг сўм, Г.Сарварова 16 млн. 500 минг сўмлик қўйларни “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ вакили У.Тожибоевдан қабул қилиб

Ҳужжат имзоланган: Қаршиев Эргаш Мустапақулович, 10.06.2024



тавсиянома берганлиги, “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ билан фуқароларнинг ўзлари шартномалар тузишганлиги, уларнинг электрон калитларини у олмаганлиги ва уларнинг номидан шартномалар тузмаганлиги, у таъминотчи томонидан қўйлар амалда етказиб берилганлигини аниқлаб, фуқаролар билан расмга тушган ҳолда далолатномалар тузганлиги, кейинчалик АТБ “Агробанк” ходимлари мониторинг ўтказишганида қўйлар фуқаролар томонидан сотиб юборилганлиги аниқланганлиги, у унга берилган ваколат доирасида қонуний ҳаракат қилганлиги, бирон-бир фуқаронинг кредит маблағларини нақдлаштириб ўзлаштирмаганлиги ва ўзлаштиришда иштирок этмаганлиги, айби йўқлигини кўрсатиб, уни оқлашни сўради.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган С.Равшанов қилмиш жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил ёз ойида қизи Равшанова Юлдуз Саидмурод қизи ва набираси Адашов Достон Ҳодиқул ўғлини номига қўйчилик билан шуғулланиш мақсадида кредит олишмоқчи бўлишганлиги, қизи Ургут тумани “Бешёғоч” маҳалласига турмушга чиққан бўлсада, унинг уйида “Жарқишлоқ” маҳалласида рўйхатда туришлиги, набираси Д.Адашов кредит олиш учун ҳоким ёрдамчиси Ж.Маҳмашукуровга мурожаат қилганлиги, бироқ Ж.Маҳмашукуров кредит беришни рад қилганлиги, шу вақтларда маҳаллада “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ вакили У.Тожибоев қўй тарқатиб юрганлиги, унга учрашганларида давлат хизматлар марказидан электрон калит олиб келишса, ҳужжатларни тўғирлашга ёрдам қилишини айтганлиги, қизи ва набираси калит олиб келиб берганлиги, У.Тожибоевнинг ишчилари ҳужжатларни тўғирлаб берганлиги ва уларга 66 млн сўмлик 20 бош насли қўйларни топширганлиги, ҳоким ёрдамчиси Ж.Маҳмашукуров келиб, қўйлар олинганлигини кўриб, қизи ва набираси билан расмга тушиб далолатнома тузиб кетганлиги, у қўйларни ўзи боқиб юрганлиги, қўйларга касал текканлиги сабабли, 1 донаси ўлганлиги, қолган 9 тасини сотиб ўрнига сигир олганлиги, қизининг номига олинган қўйларини эса боқиб келаётганлиги, банк кредит тўловларини вақтида тўлаб борганлиги, охириги икки ойни тўлай олмаганлиги, қизи Ю.Равшанова ҳамда набираси Д.Адашовларни номидан кредит олиш учун ҳоким ёрдамчиси Ж.Маҳмашукуровга мурожаат қилмаганлиги, у билан жиноий тил бириктирмаганлиги, оилавий шароити оғирлигини, вақт берилса, етказилган зарарни бўлиб-бўлиб тўлаб беришини, қилмишидан пушаймонлигини кўрсатиб, унга енгиллик беришни сўради.



Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ш.Рахимов қилмиш жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам қурилишди ишлаб оиласини боқиб келиши, ҳамқишлоқлари деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш учун кредит олаётганлиги сабабли, турмуш ўртоғи Д.Рахматуллаева улар ҳам кредит олишни таклиф қилганлиги, 2023 йил ёз ойида отаси билан турмуш ўртоғи Д.Рахматуллаевалар қўйларни тарқатиб юрган таъминотчи билан учрашиб, ҳужжатларни тўғирлашганлиги, “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ вакили У.Тожибоев уларга 10 бош қўйларни берганлиги, ҳоким ёрдамчиси Ж.Махмашукуров келганлиги, қўйлар ҳақиқатдан етказиб берилганлигини кўриб, турмуш ўртоғи Д.Рахматуллаева билан фото суратга тушиб далолатнома расмийлаштирганлиги, сўнг турмуш ўртоғи Д.Рахматуллаеванинг номига АТБ “Агробанк” Ургут филиалидан 33,0 млн. сўм пуллари чиққанлиги, оилавий шароити яхши бўлмаганлиги сабабли, 10 бош қўйни бозорга чиқариб нақд пулга сотиб рўзғорга ишлатиб юборганлиги, турмуш ўртоғи Д.Рахматуллаевани номидан кредит олиш учун ҳоким ёрдамчиси Ж.Махмашукуровга мурожаат қилмаганлиги, у билан жиноий тил бириктирмаганлиги, оилавий шароити оғирлигини, вақт берилса, етказилган зарарни бўлиб-бўлиб тўлаб беришини, қилмишидан пушаймонлигини кўрсатиб, унга енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Намозов қилмиш жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам артезиан қудуғи қуриш мақсадида ҳоким ёрдамчиси Ж.Махмашукуровга мурожаат қилиб, кредит олишга тавсия олганлиги, АТБ “Агробанк”дан 33 млн сўм кредит пуллари ажратилганлиги, лекин бу вақтгача яшаш хонадонига артезиан қуриб бўлганлиги, жами 16,5 млн сўм ҳаражат қилганлиги, ҳоким ёрдамчиси Ж.Махмашукуровга артезиан қазиб бериши лозим бўлган “Биллура оллаёр томорқа хизмати” МЧЖ вакили Ш.Сатторовдан кредит пулларини олиб беришни сўраганлиги, Ж.Махмашукуров Ш.Сатторовни олиб келганлиги, Ш.Сатторовдан 30 млн сўм олганлиги, кредитни ҳар ойлик график асосида тўлаб келганлиги, ҳоким ёрдамчиси Ж.Махмашукуров томонидан далолатномага илова фотосуратдаги артезиан ўзи қазлаган артезиан эканлигини, етказилган зарарни тўлаб бериши, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини кўрсатиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ҳурсандов қилмиш жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик



билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил апрель ойида қўшнилари кредитга насли қўйлар олиб келаётганлигини кўриб, уларнинг маслаҳатига кўра қишлоқда қўй тарқатиб юрган “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ вакили У.Тожибоевга учрашганлиги, У.Тожибоевга электрон калит олиб келиб берганлиги, У.Тожибоевнинг ишчиси шартномалар ва бошқа ҳужжатларни тўғирлаб берганлиги, У.Тожибоевдан 13 бош қўй олганлиги, ҳоким ёрдамчиси Ж.Маҳмашукуров уйига келиб, қўйларни кўриб, у билан қўйлар етказиб берилганлиги юзасидан расмга тушиб, далолатнома тузганлиги, АТБ “Агро банк” Ургут филиалидан унинг номига 22 млн. 100 минг сўм кредит ажратилганлиги, қўйлардан 4 таси ўлиб қолганлиги, қолган 9 тасини боқиб сўнг бозорда сотиб она-бола сигир сотиб олганлиги, кредит олиш беришни ҳоким ёрдамчиси Ж.Маҳмашукуровдан илтимос қилмаганлиги ва унга электрон калит бермаганлиги, “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ вакили У.Тожибоевни унга Ж.Маҳмашукуров таништирамаганлиги, у билан жиний тил бириктирмаганлиги, оилавий шароити оғирлигини, вақт берилса, етказилган зарарни тўлаб беришни, қилмишидан пушаймонлигини кўрсатиб, унга енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Г.Сарварова қилмиш жиний ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил апрель ойида қишлоқдошлари кредитга насли қўйлар олиб келаётганлигини эшитиб, у ҳам “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ вакили У.Тожибоевга учрашиб, унга электрон калит олиб келиб берганлиги, У.Тожибоевнинг ишчиси шартномалар ва бошқа ҳужжатларни тўғирлаб берганлиги, У.Тожибоевдан 5 бош қўй олганлиги, ҳоким ёрдамчиси Ж.Маҳмашукуров уйига келиб, қўйларни кўриб, у билан қўйлар етказиб берилганлиги юзасидан расмга тушиб, далолатнома тузганлиги, АТБ “Агро банк” Ургут филиалидан унинг номига 16 млн. 500 минг сўм кредит ажратилганлиги, қўйлардан 1 таси ўлиб қолганлиги, қолган 4 тасини сотиб рўзғорга ишлатиб юборганлиги, кредит олиш беришни ҳоким ёрдамчиси Ж.Маҳмашукуровдан илтимос қилмаганлиги ва унга электрон калит бермаганлиги, “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ вакили У.Тожибоевни унга Ж.Маҳмашукуров таништирамаганлиги, у билан жиний тил бириктирмаганлиги, оилавий шароити оғирлигини, зарарни тўлаб беришни, қилмишидан пушаймонлигини кўрсатиб, унга енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи Г.Сарварова, С.Равшанов, А.Хурсандов, Ш.Рахимов ва Ж.Намозовлар ўзларига эълон қилинган айбларига тўлиқ иқрорлик, судланувчи



Ж.Махмашукуров эса умуман иқрорлик билдирмасдан юқоридаги кўрсатмаларни бериб ўтган бўлсалар-да, уларнинг суд тергови давомида аниқланган ҳолатлардаги айблари қуйидаги далиллар мажмуаси билан тўлиқ тасдиқланади.

Хусусан, суд мажлисида фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган С.Алиқулов ҳақиқатдан ҳам АТБ Агробанк Ургут филиали муаммоли кредитлар бўйича бошқарувчи ўринбосари лавозимида ишлашлиги, "Агробанк" АТБ Ургут филиали билан "Намозов Жамшид Нуриллаевич" ўртасида 2023 йил 7 августда 33 млн сўмлик №1016541-сонли кредит шартномаси тузилганлиги, ушбу оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитнинг мақсадли ишлатилишини ўрганиш юзасидан ўтказилган мониторингда Ж.Намозов хонадонда артезиан қудуқ қаздирмаганлиги ва ушбу кредит талон-торож қилинганлиги аниқланганлиги, шунингдек оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида "Агробанк" АТБ Ургут филиали билан "Раҳматуллоева Дилноза Амриддин қизи" ўртасида 2023 йил 15 июлида 33 000 000 сўмлик №941091-сонли қўй олиш учун, Адашов Достон Хордиқул ўғли" ўртасида 2023 йил 14 июлида 33 000 000 сўмлик №939688-сонли қўй олиш, "Равшанова Юлдуз Саидмурод қизи" ўртасида 2023 йил 10 майида 33 000 000 сўмлик №829488-сонли қўй олиш, "Хурсандов Алибек Мусурмон ўғли" ўртасида 2023 йил 1 майида 22 100 000 сўмлик №804176-сонли қўй олиш учун, "Сарварова Гулзода Ҳамдамовна" ўртасида 2023 йил 15 июнида 16 500 000 сўмлик №941100-сонли қўй олиш учун кредит шартномалари тузилганлиги, 2023 йил 12 сентябрьда ўтказилган мониторингда ушбу фуқароларнинг хонадонларида қўйлар йўқлиги, кредит мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланганлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида фуқаро кредит ажратиш учун "Оила.уз" сайти орқали ариза бериши, ҳоким ёрдамчиси аризани ўрганиб чиқиб, тавсия бериши, сўнг мониторинг далолатномалари тузилиб, барчаси дастурга юкланиши, шундан сўнг банк томонидан кредит ажратилиши, онлайн платформага жойлаштирилган кредит олувчиларга кредит ажратишни рад этиш сабаблари ва ҳоким ёрдамчисига рад этишнинг аниқ ва батафсил баён этилган хулоса берилган ёки берилмаганлигини билмаслиги, у ушбу фуқароларга наслик қўйлар етказиб берилмаган деб ҳисоблашини, депозитга тўланган пулларни банкка етказилган зарарни қоплаш учун ўтказиб беришни сўради.



Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Д.Адашов ҳақиқатдан ҳам 2023 йил тахминан март ойларида амакиси Равшанов Саидмурод Адашевич унинг номига насли қўйчилик учун кредит олишни, пулларни ўзи тўлаб боришини айтганлиги, амакиси С.Равшановга электрон калиб олиб келиб берганлиги, амакиси С.Равшанов унинг номига наслик қўйчилик ташкил этиш учун 33 млн кредитга 10 бошқа қўй олганлиги, ҳоким ёрдамчиси Ж.Махмашукуров келганда қўйларни кўриб, у ва қўйларни етказиб берган фирма вакили билан бирга расмга тушишганлиги, шундан сўнг қўйларни амакиси боқиб келганлиги, банк ходимлари мониторинг ўтказишга келганида қўйлар йўқлигини аниқлашганлиги, амакиси С.Равшанов қўйларни нима қилганини билмаслиги, амакиси С.Равшанов ўзи ҳужжатларни тўғирлаганлиги, у имзо қўйиб берганлиги, кредит олиш масаласида ҳоким ёрдамчиси Ж.Махмашукуровга мурожаат қилмаганлигини кўрсатди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган гувоҳ А.Худойназаров ҳақиқатдан ҳам “Зил” русумли артезиан ковлайдиган машинаси борлиги, артезиан ковлаш билан тирикчилик қилиши, Намозов Жамшид Нуруллаевич уни оиласига куёв бўлиши, акасининг қизига уйланганлиги, 2023 йил ёз ойида Ж.Намозовга 135 метр қудуқ ковлаб, 50 метрга насос қўйиб берганлиги, хизмат ҳақиға Ж.Намозовдан 14 млн сўм нақд пул олганлиги, “Биллур Оллаёр томорқа хизмати” МЧЖ вакили Ш.Сатторовни танишлиги, Ш.Саторовнинг илтимосига кўра ҳам артезиан ковлаб берганлиги, лекин Ж.Намозовнинг артезианини ўзининг илтимосига кўра ковлаб берганлигини кўрсатди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган М.Мелиев ҳақиқатдан ҳам 2023 йил баҳор ойларда Ургут тумани Ваткан маҳалласида водийлик У.Тожибоев Қирғизистон Республикасидан қўйларни олиб келиб кредит орқали фуқароларга тарқатаётганлигини эшитганлиги, У.Тожибоев билан гаплашганида яшаш хонадонидида қўйларни сақлаб туришни сўраганлиги, у рози бўлганлиги, У.Тожибоев қўйларни олиб келиб, унинг уйдан кредитга фуқароларга тарқатганлиги, судланувчи С.Равшанов ва А.Хурсандовларнинг қўйларни олганлигини кўрганлиги, ўзи ҳам У.Тожибоевдан кредитга 10 бош қўй олганлиги, қўйлар ҳозир ҳам борлиги, туғиб кўпаётганлиги, У.Тожибоев тарқатга қўйлар ҳақиқатдан ҳам наслик маҳаллий қўйларга қараганда гавдаси катта эканлигини кўрсатди.



Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган А.Раббимов ҳақиқатдан ҳам “Агробанк” АТБ Ургут филиали мол-мулк бўлимида менеджер лавозимида ишлаб келиши, хизмат вазифаларига муамоли кредитлар билан ишлаш кириши, ушбу жиноят иши бўйича “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Намозов Жамшид Нуруллаевичга артезиан қудуғи қуриш учун 33 млн сўм кредит ажратилганлиги, мониторинг қилганда Ж.Намозов ўз яшаш хонадонига артезиан қудуғи қаздирмаганлигини аниқлаганлиги, Ж.Намозов билан кўришиб гаплашганида хонадонда артезиан қудуғи қаздирмаганлигини айтганлиги, шартнома бўйича Ж.Намозов уйда артезиан қудуғини қаздириши лозим бўлганлиги, наслик қўйларни ривожлантириш мақсадида ажратилган кредитларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан 2023 йил 12 сентябрь куни мониторинг ўтказганида фуқаро Д.Адашов, Ю.Равшанова, Д.Рахматуллаева, А.Хурсандов, Г.Сарвароваларнинг уйларини текширганида биронта ҳам қўй йўқлиги аниқланиб, далолатнома рамийлаштириб, маҳалла раиси Д.Эгамов ва фуқароларга таништирганлиги, кредит маблағлари мақсадсиз сарфланганлигини кўрсатди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган гувоҳ У.Тожибоев ҳақиқатдан ҳам Наманган вилояти Мингбулоқ туманидан давлат рўйхатидан ўтган “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖнинг иш бошқарувчиси бўлиб ишлашлиги, асосий фаолият тури чет давлатлардан насли мол, қўйлар олиб келиш, фуқароларга сотиш каби ишларни амалга ошириши, “Смарт маркет” платформаси орқали таъминотчилар рўйхатида туришлиги, 2023 йил апрель ойлари Ургут утман “Ваткан” маҳалласига келганлиги, “Норим ака” исмли шахс фуқаролар “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури асосида наслик қўйларни кредитга олмоқчи эканликларини айтганлиги, у 50 бош наслик қўйларни олиб келиб, “Ваткан” маҳалласида тарқатиб бериб, фуқаролар билан пул кўчириш йўли орқали шартнома расмийлаштирилганлиги, бошқа фуқаролар қатори Д.Адашов, Ю.Равшанова, Д.Рахматуллаева, Г.Сарварова ва А.Хурсандовларга наслик қўй берганлиги, ушбу фуқаролар тартибини тушунмаганликлари сабабли, уларга давлат хизматларидан электрон калит олиб келишни айтганлиги, улар электрон калит олиб келгач, ўзининг компьютерни тушунадиган ишчиси ушбу фуқаролар номидан ариза ва шартномаларни расмийлаштириб берганлиги, ҳар бирига шартномаларда кўрсатилган қўйларни шахсан олиб



қўйганлиги, ҳоким ёрдамчиси Ж.Махмашукуровга маҳалладаги фуқароларга қўй тарқатиб берганлигини айтганлиги, Ж.Махмашукуров келиб, ҳар бир фуқаронинг уйда қўйлар ҳақиқатда топширилганлигини кўриб, бирга расмга тушиб, сўнг кредит олишга тавсия берганлиги, АТБ “Агробанк” Ургут филиали томонидан фуқаролар номига олинган кредит пулларни МЧЖ ҳисоб рақамига кўчириб берилганлиги, ариза, шартномалар электрон шаклда тузилганлиги, ҳоким ёрдамчиси Ж.Махмашукуров етказиб берилмаган қўйлар учун далолатнома расмийлаштирган ҳолатлар мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Шунингдек судланувчи Г.Сарварова, С.Равшанов, А.Хурсандов, Ш.Рахимов ва Ж.Намозов ҳамда Ж.Махмашукуровларнинг айби: билдирги, кредит йиғма жилдлари, АТБ “Агробанк” Ургут филиалининг 2023 йил 11 ва 12 сентябрь кундаги кредитларни мақсадли ишлатилишини ўрганиш далолатномалари, сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Самарқанд вилояти ҳудуди бошқармасининг 2024 йил 29 январь кунги хулосаси, тушунтириш хатлари, жинойт ишининг бир қисмини тугатиш тўғрисидаги қарор ҳамда жинойт ишида мавжуд бўлган ва суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибда текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Суд, судланувчи Ж.Махмашукуров, Г.Сарварова, С.Равшанов, А.Хурсандов, Ш.Рахимов ва Ж.Намозовларнинг ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб қуйидаги тўхтама келади.

Судланувчи Ж.Махмашукуровнинг жинойт ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган бир гуруҳ шахслар билан ўзаро олдиндан жинойт тил бириктириб, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб, унга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жинойт белгиларига кўра нотўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Тергов органи томонидан судланувчи Ж.Махмашукуровнинг ҳаракатлари ҳар бир эпизод бўйича алоҳида малакаланмаганлиги сабабли, суд унинг ҳаракатларига ҳар бир эпизод бўйича алоҳида ҳуқуқий баҳо беришни лозим топади.

Судланувчи Ж.Махмашукуровнинг жинойт ҳаракатларини судланувчи Ж.Намозов эпизоди бўйича



Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган бир гуруҳ шахслар билан ўзаро олдиндан жиной тил бириктириб, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб, унга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноят белгиларига кўра малакалани лозим топади.

Шу билан бирга унинг ҳаракатларини ушбу эпизод бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган бир гуруҳ шахслар билан ўзаро олдиндан жиной тил бириктириб, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар киритишиб, расмий ҳужжатни қалбакилаштиришда ифодаланган жиноят белгиларига кўра малакалани лозим топади.

Шу билан бирга суд, судланувчи Ж.Махмашукуровга судланувчи С.Равшанов, А.Хурсандов, Ш.Рахимов ва Г.Сарвароваларнинг эпизодлари бўйича ўзлаштириш ва ҳужжатларни қалбакилаштиришда, судланувчи Равшанов, А.Хурсандов, Ш.Рахимов ва Г.Сарвароваларга судланувчи Ж.Махмашукуров билан жиной тил бириктириб, ўзлаштириш ва ҳужжатларни қалбакилаштиришда тахминларга асосланган ҳолда асоссиз айб эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил

23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 16-моддасида “ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, “суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз



берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 195-сонли қарорининг 7-бандига кўра ҳоким ёрдамчилари берадиган тавсиялар тегишли идора ва ташкилот томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда тавсияларни қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бунда, рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этишнинг сабаблари аниқ ва батафсил баён этилган ҳолда ҳоким ёрдамчиларига хулсоа юборилади” деб кўрсатилган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Ж.Махмушукуров онлайн платформа орқали Д.Адашов, Ю.Равшанова, Д.Рахматуллаева, А.Хурсандов, Г.Сарваровалар томонидан берилган онлайн аризаларни кўриб чиқиб, насли қўйлар олиб чорвачилик фаолиятини ташкил қилиш учун имтиёзли кредит олиш учун тавсияномалар берган. Ушбу тавсияномалар АТБ “Агробанк” Ургут филиали томонидан кўриб чиқилиб қаноатлантирилган ва фуқаролар билан кредит шартномалари расмийлаштирилган.

Шунингдек фуқаролар томонидан “NEW GRAZIN KATTLE” МЧЖ билан наслик қўйларни етказиб бериш бўйича шартномалар расмийлаштирилган бўлиб, ушбу МЧЖ томонидан фуқароларга шартномада кўрсатилган наслик қўйлар тўлиқ етказиб берилган.

Бунгуни кунда ҳам ушбу шартномалар бекор қилинмаган ва юридик кучга эга.



Тергов органи томонидан Ж.Махмашукуров томонидан айнан қандай ҳужжатлар сохталаштирилганлиги исботлаб берилмаган.

Суд тергови давомида бирон-бир судланувчи Ж.Махмашукуров билан кредит маблағларини ўзлаштиришда тил бириктиришмаганлиги ва кредит ҳужжатларини таъминотчи расмийлаштириб берганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида, “Айбдорликка оид бирча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилинади”-деб кўрсатилган.

2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб қатъий белгилаб қўйилган.

Суд келтирилган асосларга кўра судланувчи Ж.Махмашукуровни Д.Адашов, Ю.Равшанова, Д.Рахматуллаева, А.Хурсандов, Г.Сарваровалар эпизодлари бўйича унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли реабилитация қилишни лозим топади.

Шу билан бирга суд, юқорида келтирилган асосларга кўра судланувчи С.Равшанов, Ш.Рахимов, А.Хурсандов ва Г.Сарвароваларнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисми “б” бандини ортиқча эълон қилинганлиги сабабли чиқаришни лозим топади.

Суд, судланувчи Ж.Намозовнинг ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” бандида



назарда тутилган бир гуруҳ шахслар билан ўзаро олдиндан жиний тил бириктириб, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб, унга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиний белгиларига кўра тўғри малакалаган деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган бир гуруҳ шахслар билан ўзаро олдиндан жиний тил бириктириб, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар киритишиб, расмий ҳужжатни қалбакилаштиришда ифодаланган жиний белгиларига кўра тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Равшановнинг ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган такроран, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб, унга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиний белгиларига кўра тўғри малакалаган деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга унинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисми “в” бандини ортиқча эълон қилинганлиги сабабли чиқаришни лозим топади.

Суд келтирилган асосларга кўра судланувчи Ш.Рахимов, А.Хурсандов ва Г.Сарвароваларнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисми “в” бандидан ЖК 167-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб, унга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиний белгиларига қайта малакалашни лозим топади.

Суд, судланувчи Ж.Махмашукуров ва унинг адвокатининг айби йўқлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, танқидий баҳолайди, ушбу важлар ишончга сазовор эмас деб ҳисоблайди.

Суд терговда аниқланган ҳолатларга кўра судланувчи Ж.Махмашукуров томонидан Ж.Намозовга артезиан қудуғини қаздириш учун ажратилган 33 млн сўм кредит маблағлари таъминотчи “Биллура Оллаёр томорқа хизмати” МЧЖ вакили Ш.Сатторовдан нақдлаштириб олиб берилиб, Ж.Намозов томонидан гўёки артезиан қудуғи қаздирилганлиги юзасидан кредит маблағлари мақсадли сарфланганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилган.



Келтирилган важлар суд терговида сўроқ қилинган гувоҳлар кўрсатувлари ҳамда жиноят ишидан мавжуд бошқа далиллар билан тўлиқ рад этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3, 5, бандларида жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англамайди.

Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65,66,70,71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституция, Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи Ж.Махмашукуров томонидан содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, жиноят содир этилишига сабаб бўлган ҳолатларни, муқаддам судланмаганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётганлиги, жиноят иши бўйича етказилган зарар тўлиқ қоплаганлигини инobatга олиб, жиноят ишини судда кўриш вақтига келиб, Ж.Махмашукуров ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб ҳисоблайди ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасини қўллаб, ЖПК 463-моддасига асосан жазо тайинламасликни лозим топади.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституция, Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий



кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи С.Равшановга жазо тури ва меъёрини белгилашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини эътиборга олиш билан бирга, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, пенсионерлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституция, Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи Ш.Рахимовга жазо тури ва меъёрини белгилашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини эътиборга олиш билан бирга, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституция, Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи Ж.Намозовга жазо тури ва меъёрини белгилашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини эътиборга олиш билан бирга, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституция, Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи А.Хурсандовга жазо тури ва меъёрини белгилашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини эътиборга олиш билан бирга, қонунийлик, инсонпарварлик,



одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституция, Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи Г.Сарваровага жазо тури ва меъёрини белгилашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини эътиборга олиш билан бирга, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга суд, судланувчи Ж.Махмашукуров томонидан Самарқанд вилоят прокуратураси депозит рақамига топширилган 170.600.000 сўм пул маблағларининг 33.000.000 сўм қисмини АТБ “Агробанк” Ургут туман филиали фойдасига ўтказишни, қолган 137.600.000 сўм қисмини ҳамда 6.600.000 сўм гаров пуллари Ж.Махмашукуровга қайтаришни, судланувчи С.Равшанов, Ш.Рахимов, А.Хурсандов, Г.Сарваровалардан АТБ “Агробанк” Ургут туман филиали фойдасига етказилган зарарни ундиришни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 464, 465-468, 472-473, 475-476-моддасини қўллаб,

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

**Махмашукуров Жамолиддин Қиличович** (Makhmashukurov Jamoliddin) ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатилган асосларга кўра Д.Адашов, Ю.Равшанова, Д.Рахматуллаева, А.Хурсандов, Г.Сарваровалар эпизодлари бўйича унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан реабилитация қилинсин.

**Махмашукуров Жамолиддин Қиличович**

(Makhmashukurov Jamoliddin) Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасини қўллаб, ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 3-банди тартибида жазо тайинланмасин.

Ҳукм қонуний кучга киргач “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров тариқасида Самарқанд вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига топширилган 6.600.000 сўм пул маблағлари Ж.Махмашукуровга қайтарилсин.

**Равшанов Саидмурод Адашович** (Ravshanov Saidmurod) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва шу моддага асосан **3 (уч)** йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Равшановнинг яшаш уйини, яъни Самарқанд вилояти Ургут тумани Жарқишлоқ МФЙдаги яшаш уйдан ҳар куни соат 22:00дан 06:00га қадар чиқиши чеклансин.

С.Равшановга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмига асосан яшаш жойини ҳукмни ижросини назорат қилувчи орган рухсатисиз ўзгартирмаслик, Самарқанд вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, 3 ой ичида етказилган 63 749 996 сўм зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятлари юклатилсин ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилсин.

Жазо муддати, маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Самарқанд вилоят Ургут туман ИИБ пробация бўлинмасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач С.Равшановга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

**Рахимов Шерхон Махматкул ўғли** (Rakhimov Sherkhon) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва шу моддага асосан унга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда **1 (бир)** йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазоси, мазкур жазони ижро қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Самарқанд вилоят Ургут туман ИИБ пробация бўлинмасига юклатилсин.

Судланувчи Ш.Рахимовга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

**Намозов Жамшид Нуруллоевич** (Namozov Jamshid) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда **1 (бир) йил 6 (олти)** ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда **2 (икки)** йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил **Намозов Жамшид Нуруллоевич** (Namozov Jamshid)га ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда **2 (икки) йил 3 (уч)** ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазоси, мазкур жазони ижро қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Самарқанд вилоят Ургут туман ИИБ пробация бўлинмасига юклатилсин.

Судланувчи Ж.Намозовга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

**Хурсандов Алибек Мусурмон уғли** (Khursandov Alibek) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва шу моддага асосан унга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда



**1 (бир)** йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазоси, мазкур жазони ижро қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Самарқанд вилоят Ургут туман ИИБ пробация бўлинмасига юклатилсин.

Судланувчи А.Хурсандовга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

**Сарварова Гулзода Ҳамдамовна** (Sarvarova Gulzoda) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва шу моддага асосан унга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда **1 (бир)** йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазоси, мазкур жазони ижро қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Самарқанд вилоят Ургут туман ИИБ пробация бўлинмасига юклатилсин.

Судланувчи Г.Сарваровага нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач АТБ “Агробанк” Ургут туман филиали фойдасига судланувчи Ш.Рахимовдан 33 000 286 сўм, судланувчи А.Хурсандовдан 19 882 000 сўм, судланувчи Г.Сарваровадан 16 500 000 сўм, судланувчи С.Равшановдан 63 749 996 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Самарқанд вилоят прокуратураси депозит рақамида сақланаётган 170.600.000 сўм пул маблағларининг 33.000.000 сўм қисми АТБ “Агробанк” Ургут туман филиали фойдасига ўтказилсин, қолган 137.600.000 сўм қисми Ж.Махмашукуровга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинганидан бошлаб,

10 сутка муддат ичида, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар томонидан эса уларга ҳукм топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шу суд орқали апелляция тартибида



шикоят ёки протест келтиришга, ҳукм қонуний кучга киргач, апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда, кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидир.

**Раислик этувчи:** (имзо)

**Э.Қаршиев**

*Нусҳаси аслига тўғри-судья:*

**Маъсул судья: Қаршиев Эргаш Мустапакулович**

